



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 27 ноябрь, № 245 (8868)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИМКОНияТлардан САМАРАли ФОЙДАланиш — ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни Наманган вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ўтган ўн ойда вилоятда 681 та лойиҳа бажарилиб, 21 мингта иш ўрни яратилган. 21 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 702 миллион долларлик экспорт қилинган. Йил якунигача вилоят иқтисодиёти 8 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Энди келгуси йилга марра олиш зарур. Шу боис ҳудудларга ишчи ғуруҳ юборилиб, тадбиркорларнинг тақлифлари ўрганилиб, режалар шакллантирилмоқда.

Наманган вилоятида 527 миллион долларлик 182 та янги лойиҳа имконияти аниқланган. Масалан, Наманган шаҳри “Баркамол авлод” маҳалласидаги кичик саноат зонаси кенгайтирилса, 60 миллион долларлик чарм-лоябзал лойиҳасини жойлаштириш мумкин. Мингбўлоқдаги “Наманган” массивида шундай зона ташкил қилинса, 25 миллион долларлик саноат лойиҳаларига шароит бўлади.

Поплик тадбиркор АҚШлик ҳамкорлар билан 80 миллион доллар сармоя киришиб, йилига 1,8 миллион тонна флюорит тошмини қайта ишлаш тақлифини берган. Натижада 200 та иш ўрни, 70 миллион доллар экспорт имконияти пайдо бўлади. Яна бир қорхона 40 миллион доллар инвестиция кириштиб, 5 минг гектарда доривор ўсимлик етиштириш, қандолат ишлаб чиқариш ва туризм маскани ташкил қилиш истагини билдирган.

Ушбу тумандаги сизот суви яқин ерларда шולי, галла, доривор ва озуқабоп экинлар, Норин туманидаги мелиоратив тик қудуқлар атрофида

балиқ етиштириш мумкин. Чоркесар, Заркент ва Испарон ҳудудларида сугориш яхшиланиб, чорвадорларга ер ажратилса, 100 минг бош қорамол ва эчки боқиш имкони бор.

Янгиқўрғонда Қишлоқ ҳўжалиги техникуми ташкил этилиб, картошқачилик маркази билан дуал таълим йўлга қўйилиши ҳам малакали мутахассислар, ҳам асосий озиқ маҳсулоти тайёрлашга хизмат қилади. Асаларичилик ҳўжаликлари билан кооперация орқали хонадонларда асалари боқиб, уларни қўшимча даромадли қилса бўлади.

Йиғилишда Наманган вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Хусусан, 2025 йилда Наманган вилоятига 4 миллиард 200 миллион доллар инвестиция олиб келиш, 34 минг иш ўрни яратиш ва 1 миллиард доллар экспорт қилиш мўлжалланган.

Вилоятда жорий йил якунида камбағаллик даражасини 8 фоиздан ҳам пасайтириш режалаштирилган. 2025 йилда 78 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариб, бу кўрсаткични 5,3 фоизга тушириш кўзда тутилган. Шунингдек, чет элда меҳнат миграциясида бўлган 100 мингга яқин кишини юртимизда иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, вилоят иқтисодиётини комплекс ривожлантириш бўйича қарор лойиҳасини киритишга кўрсатма берди. Инвесторларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, лойиҳалари учун шароит яратиш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиб, бандлиқни таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ЯНГИЧА ИШ УСЛУБИ ВА ИЛҒОР ЁНДАШУВЛАР ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев 26 ноябрь куни темир йўл ва авиация соҳасидаги давлат компанияларида трансформация жараёнларининг боришига оид тақдимот билан танишди.

Ҳам иқтисодий самарадорлик, ҳам одамларга қулайлик нўқтани назаридан бу соҳада катта ўзгаришлар қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибида 6 та мустақил қорхона ташкил этилди. 1 минг 200 та янги юк вагони олинди, ички йўналишда юк ташиш вақти 2 карра қамайди.

Рақамлаштириш натижасида вагонга буюртма бериш 7 босқичдан 3 босқичга, бунга кетадиган вақт 72 соатдан 12 соатга қисқарди. Ташкилот атрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди. Илгари зарар билан ишлаган акциядорлик жамияти бу йил 30 миллиард сўм фойдага чиқяпти.

Авиация соҳасидаги компанияларда ҳам ўсиш бор. “Uzbekistan Airways” тизимида авиакатновлар 25 фоиз кўпайди. Маҳаллий йўналишларда самолётлар сони 8 тага етиб, ички қатновлар 2,5 баробарга ошди. Марказий Осиёдаги халқаро ташувларда миллий авиакомпаниямиз улуши 20 фоизга етди. Йиллик йўловчи ташиш кўрсаткичи 6 миллион нафардан ошиши кутилмоқда.

“Uzbekistan Airports” самолётлар, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. Аэропортлар бошқарувига хусусий сектор жалб қилингани самара берапти. Дунёдаги 44 та авиакомпания юртимизга парвозни амалга ошираяпти. Аэропортлар орқали юк ташиш ҳажми ҳам бу йил 22 фоизга ошиши кўзда тутилган.

Лекин ҳали вазифалар кўп. Транспорт

йўллари қанчалик муҳимлигини дунёдаги мураккаб вазият ҳам кўрсатяпти.

Шу боис йўналишларни диверсификация қилиш, ташиш жараёнларини тезлаштириш, транспорт хизматлари таннархини пасайтириш жуда муҳим.

Йиғилишда бу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— Мамлакатимизда иқтисодиёт, савдо алоқалари йилдан-йилга ривожланыпти. Аҳоли даромади, ҳудудларнинг туризм салоҳияти ҳам ошяпти. 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш мақсадини қўйдик. Шунинг учун транспорт “артерия”ларига алоҳида аҳамият беришимиз керак, — деди Президент.

Бунинг учун барча ҳуқуқий-ташқилий асослар яратиб берилмоқда. Ҳозиргача соҳада 25 йил олдин қабул қилинган қонун бўйича иш юритиб келинар эди. Шу жиҳатдан, янги таҳрирда имзоланган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу соҳага хусусий компаниялар ва инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантиришга кенг йўл очади.

Энди соҳа раҳбарлари иш услуби ва ёндашувларини кескин ўзгартириб, натижани таъминлаши зарур. Бунинг учун, аввало, соҳада трансформацияни жадаллаштириш, қурилиш ва модернизация лойиҳаларини сифатли бажариш лозим. Халқаро кредит рейтингини олиш, давлат кафо-

латисиз маблағ жалб қилиш, инвестицияларни самарали ишлатиш ҳам муҳим вазифалар қаторида.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” ҳали аҳолини рози қиладиган даражага етгани йўқ. Халқаро рейтинг олиб, таъки бозорга чиқиш кечикяпти. Оқибатда таннарх юқорилиги учун чипта нархида сезиларли ўзгариш йўқ. Харажатларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ижроси суств.

Шу боис консалтинг компанияси жалб қилиб, трансформация бўйича аниқ дастур ва “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

“Uzbekistan Airports” тизимида асосийси — хизматларни кўпайтириш ва хусусий шериклиқни кенгайтириш. Самарқанд аэропорти хусусий бошқарувга берилгач, парвозлар ва йўловчилар сони 5 баробар ошган. Энди Наманган, Андижон, Бухоро ва Урганч аэропортларига ҳам шундай мақсад кўзланган. Йил якунигача аэропортларда қўшимча хизматларни 2 карра кўпайтириш, даромадни 25 фоиз ошириш мўлжалланган.

Халқаро бозордан мустақил ресурс жалб қилиш, Навоий аэропорти терминалидан тўлиқ фойдаланиш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда муҳокама қилинган учта компанияда рақамлаштиришни жадаллаштириш, режаларни қайта кўриб чиқиб, иқтисодий натижадорликни ошириш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

МУСАФФО ТАБИАТ ВА ХАВФСИЗ МАКОН ЯРАТИШ УСТУВОР МАҚСАДГА АЙЛАНДИ

Маълумки, кейинги ўн йилликларда бутун дунёда кузатилаётган иқлим ўзаришлари бугунги кунга келиб глобал таҳдидга айланиб улғурди. Бу барча давлатларнинг олдида долзарб масалаларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида кенг кўламли эзгу савй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Муносабат

2025 йил Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши замирида ҳам она табиатни мусаффо ҳолида сақлаш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказишдек улғувор мақсад мужассам. Айни чоғда ушбу қарор янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаб, экологик барқарорлиқни таъминлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Яқинда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош

вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисида Президентимиз томонидан йил номи тақлиф қилинди.

Албатта, бу тақлиф бежиз эмасди. Негаки, дунёнинг бошқа жойларига бўлгани каби юртимизда ҳам ҳаво ва сув ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилгиларнинг кўп ишлатилиши ҳисобига глобал иссиқ ва турли табиий офатлар кўпайиши кузатилмоқда. Энг ёмони, бу атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига жиддий зиён етказаятир.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб куйи палата Спикери Н. Исмоилов ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаликларга тўхталиб ўтди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 23 ноябрь куни Янгиҳаёт туманига ташрифи чоғида саноат қорхоналари фаолияти ва маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишгани, шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган янги боққа ташриф буюриб кўчат эккани, ушбу жараёнда депутатлар ҳам фаол иштирок этгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатиغا айлангани, Президентимиз бунда доимо ўрнат қўлиб келаётгани қайд этилди. Шундан сўнг мажлисда бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.



ДАЪВАТКОР СЎЗ ҚУДРАТИ

Президентимиз ўтган ҳафта янги таркибдаги парламентда бўлиб ўтган қатор мажлисларда сўзга чиқиб, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги муҳим масалалар бўйича асосий йўналишларни белгилла бергани катта тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари нутқларида билдирилган фикрлар нафақат сенатор ва депутатлар, балки шу юртни Ватани деб билган, ўз фаолиятини мамлакат равнақи, эл фаровонлигига бахшида этган ҳар бир инсон учун чинакам дастуриламал бўлди, десак, адашмаймиз.

Нигоҳ

Тарихий уч кун

Давлатимиз раҳбари 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида депутатларни шарафли мақомга сазовор бўлгани билан қутлар экан, соҳадаги ютуқларни эътироф этиб, келгусидаги вазифаларни, янги марраларни белгилла берди. Жумладан, халқ вакиллари эндиликда тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро ме-

ханизмларига эга қонунларни яратиши, парламент назоратини тўлақонли таъсирчан институтга айлантириши лозим. Сайлов округларидаги фаолиятларида фақат учрашувлар ташкил этиш, шикоят ва саволларга расмий жавоб бериш билан чекланиб қолмасдан, барча ислохотларнинг энг фаол иштирокчиси ва тарғиботчилари бўлиши зарур.

Шунингдек, келгуси беш йилда Қонунчилик палатаси олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Хусусан, қонун ижод-

корлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини кенг қилишга қаратилиши керак. Янги даврда парламент чинакам “халқ уйи”, унинг куйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши даркор.

Президентимиз 19 ноябрь куни Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқида ҳам қатор ғоя ва тақлифларни илгари сурдики, уларнинг ҳар бири халқимизнинг азалий орзу-мақсадлари рўёбига хизмат қилади. Масалан, энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши зарур. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Сенат маҳаллий Кенгашлар фаолиятини

тизимли таҳлил қилиб, уларга кўмаклашиб бориши керак. Умуман, сенатор мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида амалга оширилаётган ислохотларга ўзини дахлдор ҳис қилиши, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун жон қойиши лозим. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **давлат ва халқ хизматчисининг — у сенатор ёки депутат бўлади, ҳоким ёки вазир бўладими — раҳбарлик масъулиятини ўз зиммасига олганидан сўнг беғам-бепарво, лоқайд бўлиб юришга, ҳузур-ҳаловатга берилиб яшашга маънавий ҳаққи йўқ.**

Давлатимиз раҳбарининг 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги иштироки ҳам тарихий воқеалик бўлди. Унда Шавкат Мирзиёев янги Ҳукумат, барча

раҳбарлар олдидаги энг муҳим вазифаларга эътибор қаратди. Жумладан, макроиқтисодий мувозанатни сақлаб, келгуси беш йилда иқтисодий ўсиш суръатини 6-7 фоиз атрофида таъминлаш зарур. Ҳукумат 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фоиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифаларни ҳам самарали ҳал этиши лозим. Иқтисодиёт ва аҳоли даромадларини ўстиришда юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқларига алоҳида аҳамият қаратиш керак. Шу билан бирга, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини 85 фоизга етказиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортни ривожлантириш бўйича катта дастурларни самарали ва тўлиқ амалга ошириш — ҳаммаша Ҳукуматнинг кун тартибига туриши керак бўлган асосий вазифалар.



ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: УМУМИНСОНИЙ МЕЪЁРЛАР ТАЛАБИ

Яқинда БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш кўмитаси (CEDAW) 40-Умумий тавсия (GR40) йўриқномасини эълон қилди. Ушбу йўриқнома аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнларида эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши талаб қилинган янги тавсиялар билан тўлдирилган. Хусусан, унда ҳар қандай соҳада, жумладан, давлат, хусусий, сиёсий, иқтисодий ва рақамли секторларда аёллар учун квота белгиланиши кераклиги таъкидланган.

Фикр

CEDAW кўмитаси 30 фоизлик квота эскирганлигини ва бу аёллар учун камлик қилишини ургўлагани ҳам эътиборлидир. Шунинг учун 50/50 гендер тенгликка риоя қилиш қатъий тавсия қилинаёттир. Бу ҳолат аёлларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Йўриқномада аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш учун самарали механизмлар ва қонунчилик асослари ишлаб чиқиши ва

мавжудларини такомиллаштириш зарурати ҳам эслатиб ўтилган.

Статистикага кўра аёллар ҳозирги кунда жаҳонда тинчлик музокараларидаги ролларнинг фақат 16 фоизини ва миллий парламентлардаги ўринларнинг 27 фоизини эгаллайди. Бу рақамлар аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштироки камлигини кўрсатади. CEDAW кўмитаси, ўз навбатида, агар аёллар учун тенг ўрн (квота) таъминланмаса, барқарорлик, тинчлик ва иқтисодий тараққиёт сари олға силжиш хавф остида қолишини таъкидлайди.



Мушоҳада

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР

замирида «Инсон қадрини таъминлаш» тамойили мужассам

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Зеро, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас.

Таъбир жоиз бўлса, давлатимиз раҳбарининг “Инсон қадрини таъминлаш” деган тамойилига асосланиб олиб бораётган сиёсати давлатчиликнинг ривожланиш учун минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, қолаверса, жаҳон цивилизациясига бекиб қўйилган қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига асосланган, десак, муболаға эмас.

Жаҳон адабиётида беназир ўрин тутган, бутун туркий халқларнинг тарихида ўзининг умуминсоний ғояларга йўғрилган асарлари билан ўлмас из қолдирган Алишер Навоийнинг асарларида инсон қадрини, шаъни, обрўси ниҳоятда улуғланган. Ҳатто у ўзининг давлат ишларидаги фаолиятида ҳам инсонларга ҳар томонлама хизмат қилишини олий қадрият деб билган.



Давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 2025 йил 1 январдан бошлаб 20 фоизга, 1 июлдан яна 15 фоизга оширилади.

ДАЪВАТКОР СЎЗ ҚУДРАТИ

Президентимиз томонидан ўртага ташланган ғоялар, илгари сурилган ташаббуслар бизни атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга теран нигоҳ билан қарашга, жимамиздаги вазифаларга замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мутлако янгича ёндашишга ундади.

Биз бугун буюк эврилишлар даврида яшаямиз. Жонажон Ватанимиз кундан-кунга ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Юз йилларда бир келадиган мана шундай масъулият паллада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этиш бугунги авлоднинг тарихий миссиясидир.

Гуҳари шарифроқ йўқ ондин...

Ҳаётининг асосий қисмини журналистика соҳасига бағишлаган инсон сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари учун ҳам бугунгидек масъулиятли давр ҳеч қачон бўлмаган. Бугун журналист ўз бераётган ўзгаришларни четдан кузатиб, ёритиб борадиган солномачи эмас, балки уларнинг бевосита иштирокчисиدير. Биз ўз сўзимиз билан одамларнинг дунёқарашини шакллантириш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, масъулият туйғуларини кучайтириш, уларни эзгу мақсадлар йўлида ҳаракатга ундаш, шу орқали кечаётган жараёнларга таъсир кўрсатиш кучига эгамиз.

Бу ҳақда гап кетар экан, журналистиканинг асосий қуроли — сўзнинг қудратини англаш ва ундан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, бу халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, очиқ ва эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эзгу мақсад-муддо-ларига ҳамоҳангдир.

Нега деганда, сўзнинг қудратини чуқур идрок қилган инсон уни беҳуда сарфламайди, ақсинча, яхшиликка, бунёдкорликка сафарбар этади. Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий: “Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин, Сўздулки, берур жонга хабар жонондин” дер экан, биргина каломнинг жисман тирик бўлса-да, маънан ўликка айланган инсонга қайта жон бахш этиш қудратини, унинг жонон, яъни ҳаёт моҳияти, мағзини англаб, мазмунли умр кечиришига туртки бўлишини эътироф этади.

Эзгу сўз киши қалбини нур каби ёритар, ўткинчи дунёнинг оқу қорасини тафаккур қилишга ундар экан, уни турли ёвузликлардан, адолатсизликлардан, ноинсоний хатти-ҳаракатлардан асрайди. Ўзгаларни камситиш, ҳақ-ҳуқуқларини топташ, бузғунчилиғу вайронкорликлардан қайтарлади. Шу боис сўздан шарифроқ, муқаддасроқ, кучлироқ тушунча йўқ, деб билади ҳазрат Навоий:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Зоҳиран гўзаллашган, сийратан янги-ланган Ўзбекистонда бугун оммавий ахборот воситалари вакиллари сўзнинг беқиёс қудратидан, ўз билим ва маҳорати, қобилиятидан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга. Медиа соҳаси вакиллари-нинг ҳуқуқлари Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 81-моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.

Шу билан бирга, бундай эркинлик журналистларнинг “ўзига хон — қўланкаси майдон” бўлишини англабмайди. Ёлгон ахборот тарқатгани, ўзгалар ҳуқуқларига дахл қилгани учун қонун олдига жаваб беради. Яъни оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишонч-лиглиги учун жавобгардир.

Демак, миллий контентни ҳар ҳил олди-қочди ахборотлар, узук-юлук хабарлар билан тўлдириб бўлмайди. Бировга гайирлик, душманлик қилиб, унинг шаънига “мағзава тўкиш”, қадр-қимматини камситиш қуролига айлантириш ҳам мумкин эмас. Соҳа тараққиёти учун энг тўғри ва истикболий йўл — Президентимиз фаолиятининг дастлабки давридаёқ белгилаб берган йўриққа амал қилиш, уни кундалик фаолиятимиз тузугига айлантиришдир. Яъни **халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаб давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз...**

Масъулият ва интилиш

Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига мурожаат қилар экан, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилмаҳиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакиллари-нинг

ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтираётганини таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам, бугун оммавий ахборот воситалари ижобий ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакатимиз сарҳадларида ўз бераётган ҳар бир воқеа-ҳодиса, юртдошларимиз қувончу ташвишлари, уларни қийнаётган муаммоларни га-зеталаримиз саҳифаларида рўйроост, хо-лисона ёритиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Лекин оммавий ахборот воситалари бундай имкониятлардан нечоғли тўлиқ ва тўғри фойдалана олапти, деган савол ту-ғилади ва бу бежиз эмас.

Давлат раҳбарининг эътирофича, бугун-ги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда. Шун-дан келиб чиқиб, бугунги кун шароитида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини чуқур англаш жуда муҳим.

Гап босма оммавий ахборот восита-лари ҳақида борадиган бўлса, аввало, шун-и айтиш лозимки, ўз тарихида аввалига ра-дио, кейинчалик телевидение тимсолида қудратли рақобатчилар билан тўқнаш ке-либ, ўзининг ахборот маконидаги муно-сиб ўрнини сақлаб қола олган газета ва журналлар, бугун интернет деган деярли чекланмаган аудиторияга эга жаҳон ахбо-рот макони билан юзма-юз турибди. Бу эса нашрлардан ишга янгича ёндашувни, ўқувчиларга янгиликларни етказиш билан чекланиб қолмасдан, воқеаларни чуқур таҳлил қилишни, муаммоларни кўтариб чи-қиб, уларнинг ечимлари бўйича ҳам тақ-лифлар беришни талаб этмоқда. Фақат шу йўл билан биз бугунги жараёнларнинг бе-восита иштирокчиси сифатида ўз мавқеи-мизни сақлаб қоламиз.

Табийки, ахборот тарқатиш манбала-рининг трансформацияси ундан фойда-

ларга таъсир кўрсатувчи воситалар ишти-рокисиз ўз олдига қўйган сиёсий, ижти-моий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиши имконсиз эканини, очиқ бўлмаса-да, тан олишади.

Кимдир буни хоҳлайдими ё йўқми, бу-тун дунёда алоҳида мамлакатлар, альянс-лар, блоклар, синфлар, сиёсий партия-лар, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ғоявий кураш ҳар доим бўлган ва давом этмоқ-да. Муайян мамлакат ва бутун дунёнинг келажаги қандай бўлиши ҳам ана шу ку-рашнинг натижасига боғлиқ.

Айрим экспертлар фикрича, давлат мафкураси ҳокимият тепасида турган му-айян ижтимоий гуруҳнинг мафкураси бўлиб, ўша гуруҳ томонидан асосий маф-кура сифатида эълон қилинган бўлади. Лекин ҳар қандай мафкура давлат мафку-расига айланар экан, у ҳукмрон мафкура бўлиб, бошқа ҳеч қайси мафкурани тан олмайдиган бўлади. Шунгача бориб ета-дики, у билан келиша олмаганларни та-қиқлаш, қатагон қилиш, шунингдек, дик-татура ўрнатишгача олиб боради ва бу тарихдан маълум.

Собиқ тузум даврида жамиятни мафку-ралаштириш ҳаёт тартибларини сохта-лаштиришга, кўзбўямачиликларга, зулм ва ёвузликка, алаоқибат кўркүв ва ёлгонга асосланган мустабид салтанатни қуришга замин бўлганди. Бу салтанатда эркин фикр бўғилди, ўзгача қараш ва тутумлар таъқи-бга олинди. Натижада одамларнинг қалби-ни ҳадик ва хавотир эгаллаб олди. Улар-да воқеликка танқидий ёндашув, ижодий муносабат йўқолди. Пировардида, орзу-лар армонга айланди. Юксалиш ва тарақ-қиёт қуруқ сафсата бўлиб қолди. Инсон-лар тафаккури ва жамиятдаги депсиниш-лар давлатнинг таназзулига сабаб бўлди.

Шуқрки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳукмрон мафкура мавжуд эмас-

айланган. Бир мамлакатда яшовчи икки элат ўртасида нафрат оловини ёқиш охир-оқибат 800 минг нафар инсоннинг ўлими-га олиб келган.

Яқин ўтмишдан олинган бу мисол оммавий ахборот воситаларининг кучига тўғри баҳо бериш ва бу кучни бунёдкор-лик мақсадларига йўналтириш жуда му-ҳим эканини кўрсатади. Шу нуктаи назар-дан, ахборот майдонини сифатли ва ра-қобатдош миллий контент билан тўлди-риш масаласи ҳар қачонгидан ҳам дол-зарб.

Касбга садоқат ва бурч тақозоси

Оммавий ахборот воситасининг яна бир устувор вазифаси — давлат идора-лари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назора-тини ўрнатиш, фуқароларнинг қонуний мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугун-ги кунда қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчилик-лар, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда-ги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий-таҳлилий материаллар жойлар-да мудраб ўтирган айрим раҳбар ва му-тасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Тўғри, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, журналистларнинг ўз касбига, бурчига содиқлиги, ватанпарварлиги баъ-зиларга ҳар доим ҳам ёқавермайди. Шу боис баъзан журналистга турли иғволар, ноҳақ иддаолар қилинади, у сохта айблов билан таъқибга олинади. Аммо бугун ҳақиқатгўй журналист ортида қонун, халқ ва уларни ўзининг энг яқин ҳамкорлари ҳамда ёрдамчилари деб ҳисоблайдиган Президент турибди.

Давлатимиз раҳбари бир сафар Қашқа-дарёга ташрифи чоғида **“Қўнлиқ мен-га оммавий ахборот воситаларини “ёпишни” тақлиф қилмоқда, лекин мен буни ҳеч қачон қилмайман”**, деб жур-налистларнинг эркин фаолият юритиши ва ҳаққоний сўз айтишига қарши бўлган, уларга тўқсинлик қилаётган кимсаларга, кучларга ўз фикрини, позициясини аниқ ва лўнда билдирганди.

Айни чоғда ушбу воқелик нафақат жур-налистларни илҳомлантириши, балки амалдорларнинг таҳлилий-танқидий чи-қишларга муносабатини ҳам ўзгартириши лозим. Катта салоҳиятга эга раҳбар танқид учун журналистдан хафа бўлмайди. Ақсин-ча, эътиборидан четда қолган муаммони ёритиб бергани учун миннатдор бўлади, камчиликларини тузатиб олади. Афсуски, ҳамма раҳбарларни ҳам шундай дея олмаймиз.

Муаммони қаламга олган журналист жа-миятга ва давлатга душман эмас. Муайян соҳадаги камчилиқни очиб бериш, раҳбар-ларнинг эътиборини қаратиш билан улар-ни бартараф этишга ҳаракат қилиш ОАВ вакилининг касби тақозосидир.

Оммавий ахборот воситасининг вази-фалари ҳақида сўз кетар экан, адолатли танқидни чоп этиб, долзарб муаммоларни кўтарганда, улар қандай бартараф этилаёт-ганини ҳам ёритишни эсдан чиқармаслик лозим. Мамлакатимизда, айниқса, кейин-ги йилларда иқтисодиёт ривожланиши, долзарб ижтимоий масалалар ҳал этили-ши, одамларнинг ҳаёти яхшиланиб, тур-муш фаровонлиги ортиши йўлида кўп-кўп ишлар қилинаётгани шундай дейишимиз-га асос бўлади.

Мана шундай ўзгаришларни ўқувчилар оммасига етказиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-мо-ҳияти, пировард мақсадлари ҳақида маъ-лумотлар бериш, хоҳ қорхонада бўлсин, хоҳ томорқада бўлсин, сидқидилдан меҳ-нат қилиб, мамлакатимиз равнақига му-носиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилиш — булар ҳам журна-листиканинг ажралмас қисми. Бундай ма-териаллар одамларда келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди, янгидан-янги марраларга илҳомлантиради. Оммавий ахборот воситаларининг қудратли кучини бунёдкорлик мақсадларига йўналтириш-нинг асл моҳияти ҳам шундан иборат.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР

замирида «Инсон қадри учун» тамойили мужассам

Навоий ижодида инсон қадрини улуғлаш бутун кишилик жамияти томонидан эътироф этилган фалсафий қарашлар билан узвий боғланиб кетган. Унинг асарларида инсон борлиқдаги энг шарафли, ўхшаши йўқ мавжудот бўлиб, ҳатто борлиқнинг яратилиши ҳам айнан инсон туфайли эканлиги баён этилади.

Ҳазрат Навоий одамларга наф келтириш, уларга яхшилик қилиш, мискинларга кўмак бериш, аввало, инсонни ўзига қилган яхшилиги, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам буюк мутафаккир шундай ёзади:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,

Билки бу нафъ ўзинга кўпроқ дурур.

Шеърят мулки-

бутун умри давоми-да ёзган асарлари, вазирлик мартабаси-да олиб борган фао-лиятини инсон қад-рини улуғлаш, унинг дарди билан яшаб ўтишга бағишлаган.

Бугун мамлақати-миз Президенти олиб бораётган сиё-сат замирида ҳазрат Навоийнинг **“Одами эрсанг демагил ода-ми, Онимки йўқ халқ ғамидин ғами!”** де-ган буюк ғояси му-жассам, десак, аини ҳақиқат.

Таъкидлаш жоизки, инсон, аввало, жамиятда адолат бўлгандагина ўз қадрини топади. Адолатли жамият, бу — қонун устувор бўлган мамлакатдир. Ушбу муҳим тамойиллар янги тахиррдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосий ўрин эгаллайди. Бу ҳам бежиз эмас. Боиси ушбу асосий ҳужжат олдингиларидан фарқли ўлароқ инсон ҳуқуқ ва манфаатларини улуғлашга қаратилган моддалар билан янада бойиди.

Конституциянинг асосий принципларидан бири Ўзбекистонда Конституция ва қонунларнинг устуңлиги сўзсиз тан олинishiдир. Шунингдек, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Бош қомус ва қонунларга мувофиқ иш қўриши керак. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Мазкур конституциявий норма, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилишга қаратилган умуммажбурий характердаги кўрсатмаларни ўз ичига олган расмий ҳужжат ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган идоралар ва мансабдор шахслар олдида бир қатор масъулият юклайди. Зеро, миллий давлатчилигимизнинг қарор топиши, бозор муносабатларининг кундан-кунга ривожланиши, давлат органлари ўз функцияларини самарали амалга ошириши, энг асосийси, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, шунингдек, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнини топишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти катта.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг ваколатларини кенгайтириш борасида катта ислохотлар олиб борилаётгани ҳам шундан далолат.

Фикримиз далили сифатида сўнгги етти йил ичида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган конституциявий ислохотларга эътиборингизни қаратсак.

Масалан, 2017 йилга қадар амалда бўлган Асосий Қонунга мувофиқ, Конституциявий суд 4 та ваколатга эга бўлган бўлса, 2017 йилда Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга асосан, Конституциявий суд яна қўшимча 3 та ваколатга эга бўлди. Утган йилнинг 30 апрель куни умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахиррдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддасига асосан эса Конституциявий судга янги ваколатлар берилди.

Эндilikда мамлакатимизнинг конституциявий назорат органи келгусида референдумга қатнашадиган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Шунингдек, янгиланган Конституцияда конституциявий шикоят институти назарда тутилиб, эндиликда фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишининг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда қўриб чиқилиш тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўйилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур конституциявий ислохотларнинг замирида эса “Инсон қадри учун” тамойили мужассам.

Давлатимиз раҳбари яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзодини қўриб чиқишга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида **“Бугун халқимиз билан юртимиз тараққиётдаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу — Янги Ўзбекистонимиз жадал ривожланадиган, янада юксак тараққиёт чўққиларини забт этадиган давр бўлади. Бу давр парламент ва ҳукумат фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича ибратли аъёналар шаклланадиган ва тарихга муҳрланадиган давр бўлади!”** деб алоҳида таъкидлади.

Демак, “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган улкан ислохотлар ўзининг шарафли йўлидан ортга қайтмайди. Бунинг учун эса барчамиз бир тану бир жон бўлиб виждонан меҳнат қилишимиз лозим. Бу йўлда барча куч ва салоҳиятимизни намоён этиб, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Абдуманноб РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди судьяси.

ҚИШНИНГ КУНИ ҚИРҚ ТУРЛИ, ҚИРҚОВИ ҲАМ ҚИЛИҚЛИ...

Халқимизда топиб айтилган бу мақол мазмунидан англашладик, қишнинг бир куни ҳам қиш. Нафақат 90 кун, балки шу бир кунига ҳам тайёр турмаслик турли кўнгилсизликка сабаб бўлиши мумкин.

Айни пайтда кузнинг сўнгги ойда ҳаво совиб, қишнинг ёмғирли-қорли, изғирин кунлари яқинлашётганидан дарак бермоқда. Афсуски, ҳар йили мамлакатимизда куз-қиш мавсумига

тайёргарлик ёз ойларида бошланса-да, ҳаво ҳарорати пасайганда муаммолар кўпайишни бошлайди. Хусусан, электр таъминотидаги узилишлар, иссиқлик тизимлари ишдан чиқиши, кўп қаватли уйлар тоmidан чакки ўтиши ва бошқа муаммолар одамларни қийнаб қўяди.

Ҳўш, бу йил мавсумга қандай тайёргарлик қўрилди? Ўтган йиллардаги кўнгилсиз воқеалардан

хулоса чиқарилдими? Ижтимоий объектлар ва аҳоли хонадонлари, кўп қаватли уйларда қишга тайёргарлик ишлари қай йўсинда олиб борилди?

Мухбиримиз Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлиги тизимидаги “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти мутахассисларига шу саволлар билан юзланди.

Мутахассис нима дейди?

Тараддуд кўнгилдагидек, лекин...

Солижон ҚўШАҚОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъул ходими:

— Бу йилги қиш мавсумида иссиқлик узатиш тизимларида ҳеч қандай узилиш ёки бузилиш бўлмайдми, дея айтолмайман. Тўғри, тайёргарлик кўнгилдагидек амалга оширилди. Мавжуд объектларда таъмирлаш ва янгилаш каби ишлар ўз вақтида сифатли бажарилди. Бу жиҳатдан кўнгилмиз тўқ.

Лекин барибир қиш қишлигини қиладми. Агар ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетса, қўшимча манбалардан фойдаланган ҳолда иссиқлик ҳароратини пасайтирмасликка ҳаракат қиламиз. Мабодо иссиқлик қувурлари ёрилиш ҳолати юз берса, уни зудлик билан бартараф этамиз. Бундай фавқулодда ҳолатларга ҳам доим тайёرمىз.

Ҳозирги кунда юртимизда 42 340 та кўп квартиралли уй мавжуд. Уларни жорий ва мукамал таъмирлаш, лифт ускуналарини янгилаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш, бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришга эътибор қаратилади.

Жорий йилда бир қатор лойиҳалар доирасида ўн та қозонхона қурилиб, 14 та қозон тўлиқ ўрнатилди. Шу билан бирга, 63,4 км. иссиқлик тармоқларини қуриш ва монтаж ишлари якунланди. Лойиҳаларнинг аксарияти йилдан-йилга ўтувчи бўлиб, етти та объектда, яъни Бухоро ва Термизда иккитадан, Қаршида, Гулистон ва Тупроққалъада биттадан қозонхона фойдаланишга топширилди.

Натижада ҳудудлардаги 261 та кўп қаватли уйлар ва йигирмадан зиёда ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик энергияси таъминотини яхшилаш кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб республиканинг барча ҳудудида куз-қиш мавсуми бошланган бўлиб, бино ҳамда иншоотларга иссиқлик энергияси етказиб берилмоқда.

Бор салоҳият ишга солинди

Ғолиб САЛИМЁРОВ,
Энергетика вазирлиги тизимидаги “Иссиқлик электр станциялари” АЖ ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи:

— Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр ва иссиқлик энергиясининг асосий қисми иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Акциядорлик жамиятимизда қиш мавсумига тайёргарлик доирасида филиал ва тизим корхоналарида режа асосида 53 та, жумладан, энергоблок, қозон ва буғ-газ, турбоагрегат ҳамда газ-турбина қурилмаларида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Электр станцияларидаги тезкор гуруҳлар томонидан камчиликлар аниқланган ўндан зиёда энергоқурилмада мукамал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада мавжуд электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари 291 МВт ва иссиқлик



ишлаб чиқариш самарадорлиги 235 тонна/соат оширилишига эришилди.

Шунингдек, АЖ тизимиغا кирувчи “Тошкент иссиқлик маркази” корхонаси қозонхоналари ҳам мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Мазкур корхона тизимида ўнга яқин иссиқлик марказлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ўрнатил-

ган қуввати 4580 гигакалорияни ташкил этади. Ҳозирги кунда истеъмолчиларга 65 даража, совуқ қиш кунларида 85 даража ҳароратдаги иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиб, ягона йирик харид қилувчи Veolia Energy Tashkent корхонаси орқали аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга етказилмоқда.

Жорий йилги куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг иссиқлик энергиясига бўлган талабини тўлақонли қондириш мақсадида мавсумга тайёргарлик ишлари шу йилнинг март ойидан бошланиб, ҳозирда барча қурилмалар мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Хусусан, етмишдан ортиқ қозон қурилмалари ҳамда 239 та насос агрегатида мукамал ва жорий, 420 минг метр бўлган ички қувурлар ва ёрдамчи ускуналарнинг иссиқлик сақлаш қопламаларида мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам зарур

Бобур БОЙЗОҚОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Аҳолига зарур қўлайликлар яратиш зиммаларида энг муҳим вазифалардан. Шу боис тураржойларда хизмат кўрсатиш сифатини янада тақомиллаштириш, хусусан, рақамлаштиришга устуворлик қаратилди.

Масалан, бу йил “Менинг уйим” биллинг тизими жорий қилинди. Бу билан кўп квартиралли уйларга туташ ҳудудларда қурилаётган ноқонуний қурилмалар тўғрисида хабардор қилиш, биллинг тизимининг мобил иловаси ҳамда веб-сайт версиялари орқали “Ягона миқдор” тамойили асо-

сида барча коммунал тўловлар балансини кўриш ҳамда тўловларни амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Шунингдек, “Тураржой” миллий ахборот тизими яратилиб, унга уйларнинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Аҳолининг мурожаатлари тўлиқ “Менинг уйим” тизими орқали бошқарилиб, унга уйларнинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Аҳолининг мурожаатлари тўлиқ “Менинг уйим” тизими орқали бошқарилиб, унга уйларнинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар киритилади.



зими орқали юборилади ҳамда аҳолининг мулоҳазалари асосида уларнинг рейтинг шакллантирилади.

Республиканинг барча ҳудудида кўп квартиралли уйларнинг лифт ускуналарини мониторинг қилиш мақсадида “Хавфсиз лифт” ягона идора-лараро платформаси ишлаб

чиқилади. Кўп квартиралли уйларнинг ертўлаларини ижарага бериш тўғрисидаги маълумотларни уникал код бериш орқали “Менинг уйим” биллинг тизимида киритилади ва Давлат солиқ қўмитаси базаси билан интеграция қилинади.

Айтмоқчиманки, рақамлаштириш фақат қиш ойда хабардор этиш воситаси бўлиб қолмай, унга йилнинг тўрт фаслида ҳам зарурият туғилади. Айниқса, совуқ кунлар бошланаётган пайтда юз бераётган “авария” ҳолатларини тез бартараф этишда, иссиқлик, электр тизимида узилишлар юзга келганда унинг аҳамияти нихоятда бекиёс.

МАВСУМНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАР

Жорий йил куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида зарур чоралар қўрилмоқда. Хусусан:

- қиш фаслида истеъмолчиларга 21 миллиард кубометр газ етказиб бериш ҳисоб-китоб қилинган;
- мавсумга тайёргарлик бўйича ҳар бир маҳалладаги ҳақиқий аҳоли ўрганилиб, туманлар кесимида дастур ишлаб чиқилди. Тайёргарлик ишларига ўтган йилги 14 триллион сўмга қўшимча яна 14 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, ишни энг оғир маҳаллалардан бошлаб йил якунигача 30 минг километр тармоқ, 10 мингта трансформаторни яхшилаш чоралари қўрилади.

Фойдали ва тежамкор қурилмалар

Алишер ЖўРАЕВ,
Энергетика вазирлиги тизимидаги “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси бошлиғи:

— Жамиятимиз томонидан ўтган йилда синов тарикасида инвестиция лойиҳаси асосида Туркиянинг “Iltekn” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Бозор маҳаллалари ҳудудида когенерация қурилмаси бунёд этилди.

Мазкур қурилма бир вақтнинг ўзида ҳам иссиқлик, ҳам электр энергияси ишлаб чиқаришга мослашган бўлиб, соатига 4,6 МВт электр энергия ҳамда 29 Гкал иссиқлик энергияси ҳосил қилади. Қурилма ҳудуддаги 50 та кўп қаватли уй, 7 та ижтимоий муассаса ва ўнлаб тадбиркорлик субъектларини барқарор иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлаб келмоқда.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати — иссиқлик тақсимлаш пунктлари махсус датчиклар билан жиҳозланган. Ҳаво совиб ёки исиб кетишига қараб, уй ичидаги ҳарорат мўътадил сақлаб турилади. Махмуа ишга туширилиши натижа-сида йилга 5,3 млн. метр куб табиий газ иқтисод қилинишига эришилди.

Айни пайтда бу каби самарали лойиҳаларни омма-



лаштиришга киришилди. Айни пайтда Тошкент шаҳрининг олти та туманида когенерация қурилмаларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Олмасор туманида электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 1,2 МВт ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш қуввати 6,4 Гкал бўлган замонавий когенерация қуриляпти. Ушбу лойиҳа ишга туширилиши натижа-сида йилга 8 млн. кВт/соат электр энергия ҳамда 52 минг Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Қурилма ишга тушгач, ҳудуддаги йигирмага яқин кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бир қатор тадбиркорлик субъектлари барқарор иссиқлик энергияси билан таъминланади.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Р.С. Мутахассисларнинг сўзларидан кўриниб турибдики, бу йил қишга тайёргарлик бўйича соҳа ходимлари анча-мунча “тер” тўкишган. Аммо рақамлар ҳар доим ҳам амалий иш билан мутаносиб бўлмаслиги қирчиллама қиш чилласида билиниб қоляпти. Ҳўш, бу йилги совуқ мавсумда симоб устуни меъёрдан анчагина паслаб кетганда аҳолида норозилик қайғияти уйғонмайдими? Уйларимиз иссиқ ва чарогон бўладими? Бу бугун интервью берган мутахассислар фикри ўзини оқлашишга ҳар томонлама боғлиқ. Янаям аниқроқ айтсак, вақт одил ҳакам. Бу мавзуга эса ҳали яна қайтаимиз.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Атом энергиясидан хавфсиз фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилади

Шу йил 5 декабрь

куни Самарқанд шаҳрида “Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг барқарор ривожланишида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш истиқболлари: халқаро ва миллий тажриба” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.



Анжуман хусусий ва давлат корхоналари, атом энергетикаси соҳасидаги маҳаллий ҳамда хорижий олимларни бир жойда жамлайди. Шунингдек, тадбирда Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Россия ва АҚШдан етакчи экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

Мазкур тадбирда ўзаро ҳамкорлик янада мустаҳкамланиши ҳамда атом энергиясидан хавфсиз фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилади.

Ҳарбий спортчиларимиз — шоҳсупада



18 — 23 ноябрь кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида спортнинг кикбоксинг тури бўйича ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Тадбирда маросим қатнашчилари томонидан спортчиларимиз матонати ҳамда кўрсатган натижаси эътироф этилди.

Мудофعا вазирлиги департаменти хабарига кўра мазкур чемпионат Халқаро ҳарбий спорт кенгаши тақвимидан ўрин олган бўлиб, унда дунёнинг ўндан ортиқ давлатларидан 110 нафардан зиёд спортчилар голиблик учун кураш олиб борди.

Спортчиларимиз “Full contact” ва “Low kick” йўналишларида баҳс олиб бориб, яқунда 20 та (3 та олтин, 9 та кумуш, 8 та бронза) медаллар шодаси билан умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

«Маърифат карвони» сафар олдида

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази ва Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан 2 — 7 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб “Тамаддун, маданият ва маърифат” мавзусида “Маърифат карвони” илмий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилади.

Бу ҳақда мазкур янги лойиҳага старт берилиши олдидан ўтказилган тадбирда айтиб ўтилди.

Қайд этилдики, “Маърифат карвони” доирасида “Анварул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” номли Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги еттинчи таржимаси, шунингдек, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби ислом оламининг етук олимлари ҳақидаги ҳужжатли ва анимацион фильмлар тақдими бўлиб ўтади.

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ҳамда оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятини “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпلامларида” китоб-альбомлари юртдошларимизга тўхфа этилади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони жамоаси Давлат бюджети бошқармаси бошлиғи Тўлқин Эшназаровга волидаи муҳтарамаси

Мушаррам ЭШНАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширилганда Бизнес-омбудсман хабардор этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳо-си келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6